

6-1-2020

INFLUENCE OF THE CORONAVIRUS PANDEMIC CRISIS ON WORLD ECONOMY

E. Nosirov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Nosirov, E. (2020) "INFLUENCE OF THE CORONAVIRUS PANDEMIC CRISIS ON WORLD ECONOMY,"
International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 25.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

И.ф.н., доц. Э.И.Носиров
Тошкент молия институти

КОРОНАВУРУС ПАНДЕМИЯСИ ИНҚИРОЗИНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Мақолада коронавурис инфекцияси тарқалиши оқибатида иқтисодий инқирознинг юзага келиши сабаблари, инқироз хусусиятлари, жаҳон иқтисодиётида рўй берган инқирозлардан фарқли жиҳатлари, инқирознинг жаҳон ва миллий иқтисодиётларга таъсири, шунингдек, инқирозга қарши қурашда самарали чораларни кўриши юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: COVID-19, инқироз, иқтисодий инқироз, молиявий инқироз, депрессия, рецессия, қимматли қоғозлар, фонд биржаси, фонд бозори, индекс, спекулятив битимлар, кредит, экспорт, импорт, ЯИМ.

ВЛИЯНИЕ КРИЗИСА ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА НА МИРОВУЮ ЭКОНОМИКУ

В статье приведены причины возникновения экономического кризиса в связи с распространением инфекции коронавируса, особенности данного кризиса, отличительные черты кризиса от других кризисов, выявленных в мировой экономике, влияние кризиса на мировую и национальную экономики, а также даны рекомендации и предложения применения эффективных антикризисных мер.

Ключевые слова: COVID-19, кризис, экономический кризис, финансовый кризис, депрессия, рецессия, ценные бумаги, фондовая биржа, фондовый рынок, индекс, спекулятивные сделки, кредит, экспорт, импорт, ВВП.

INFLUENCE OF THE CORONAVIRUS PANDEMIC CRISIS ON WORLD ECONOMY

The article describes the causes of the economic crisis in connection with the spread of novel coronavirus infection, the characteristics of this crisis, the distinguishing features of the crisis from other crises identified in the global economy, the impact of the crisis on the global and national economies, as well as gives recommendations and suggestions for applying effective anti-crisis measures.

Key words: COVID-19, crisis, economic crisis, financial crisis, depression, recession, stocks, stock exchange, stock market, index, speculative transactions, credit, export, import, GDP.

Кириш

Бугунги кунда бутун дунёни таҳликага солиб қўйган COVID-19 деб ном олган касаллик вируси дастлаб 2019 йил декабр ойининг охирларида Хитойнинг Ухань шаҳрида қайд этилди. 2020 йил январ ойида ОАВда Хитой Соғлиқни сақлаш вазирлигимасъул шахслари ва соҳа шифокор олимларивирუსнинг юқумли эканлиги тўғрисида огоҳлантириб, касаллик

тарқалишининг олди олинмаса, бу жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида “бонг” урди. Вақт ўтиши билан оддий фуқаролар кабиқўпчилик давлат раҳбарлари ҳам дунёнинг у ёки бу давлатида тўрт-беш йилда бир чиқиб турадиган юқумли касалликнинг навбатдаги бир турида, Хитой қаерда-ю, Европа Иттифоқи қаерда ёки Америка қаерда деб ўйлагани яққол кўриниб қолди.

2020 йилнинг 11 мартада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти COVID-19 глобал пандемия эканлигини эълон қилганидан сўнг, дунё ҳамжамиятидаги кўпчилик давлатлар вирус тарқалишига қарши курашишга эътибор бера бошлашди. Афсуски, бу пайтга келиб вақт анча бой берилган, зарур эҳтиёт чоралари кўрилмаган ва биз ривожланган давлатлар деб биладиган давлатларга вирус кенг тарқалиб улгурган эди. Бундай пайтда вирус тарқалишининг олдини олишдаги энг самарали усул “ўз-ўзини чегаралаш”, соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, кўчага чиқмасдан уйда ўтириш режимига ўтиш, ўз-ўзидан жаҳон иқтисодиётида янги пандемия инқирозини юзага келтирди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Австрия иқтисодий мактаби намоёндаларининг қарашларига кўра, иқтисодий инқирозлар юзага келишига “хато инвестиция” киритиш асосий сабаб бўлади ва бунинг натижасида “кўп ишлаб чиқариш” инқирози юзага келади. Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотлар ва уларни ишлаб чиқаришга кетадиган ресурслар тўғрисидаги турли катта ҳажмдаги маълумотлар тизимли равишда қайта ишланмаслиги натижасида нотўғри инвестиция қарорларини қабул қилишади. Бунда ишлаб чиқариладиган товарлар ва ишлаб чиқариш ресурсларининг баҳоси ва ортиқча инвестициялар (шу жумладан, кредитлар) асосий омил бўлади [1].

Ж.М. Кейнс “Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” номли асарида бозор ўзини-ўзи бошқариши керак деган назарияга чек қўйди. Кейнс мазкур асарида биринчидан, жамиятнинг “асосий психологик қонуни” ҳисобланган даромад ўсиши билан истеъмол ҳам ўсиб боришини, иккинчидан, фоиз ставкалари юқори бўлганлиги учун капиталнинг фойдалилик нормаси паст бўлиши ҳисобига “ялпи талаб” етишмовчилигини натижасида инқироз ва ишсизлик юзага келишини асослаб берган. Шунингдек, Кейнс инвестициялар, бандлик, истеъмол ва даромад ўртасида боғлиқликни ифодаловчи макроиқтисодий моделни ишлаб чиқди ва бунда давлатнинг роли ва иштирокини кўрсатиб берди [2].

Инглиз иқтисодчиси Э.Ф. Шумахер ўз тадқиқотларида талабни қондириш ва уни ўстиришга асосланган иқтисодий тизимни қоралайди ва талабнинг ҳаддан ташқари ўсиши янги иқтисодий инқирозларни юзага чиқаришини таъкидлайди. Шумахер “Истеъмол - бу мақсад эмас, минимал истеъмол қилиш орқали максимал яхши турмуш тарзига эришишнинг воситаси бўлиши керак”, - деган ғояни илгари суриб, “Тараққиёт – атроф-муҳит ва сувни ифлослантиришга ҳамда ўрмонларни йўқ қилишга олиб келади”, - деган хулосага келади [3].

Бир қатор тадқиқотчилар COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган инқироз куйидаги 5 та иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига 1) аграсаноат ва нефть-газ тармоғи; 2) қайта ишлаш саноати; 3) таълим ва молия соҳаси; 4) соғлиқни сақлаш тизими, фармацевтика саноати, меҳмонхона хўжалиги, туризм ва авиация соҳалари, кўчмас мулк ва уй-жой хўжалиги, спорт тадбирлари, ахборот технологиялари, ОАВ, илмий тадқиқот ва изланиш соҳалари, озиқ-овқат саноатига; 5) ижтимоий таъсир, яъни оилада турли кўринишдаги зўравонликларнинг кучайиши ҳамда интернет орқали турли он-лайн ўйинларга қизиқиш янада ошишига олиб келади, -деб ҳисоблашади[4].

МДХ давлатларидан Г.Трофимов [5]каби иқтисодчи олимлар жаҳон иқтисодиётида инқирозлар, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва инқироздан чиқишга оид ўз таклиф-тавсияларини беришган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Н.Маҳмудов ва бошқалар [6] иқтисодий инқирозлар назарияси ва амалиёти борасида илмий изланишлар олиб борган.

Таҳлил ва натижалар


Коронавирус пандемияси инқирози жаҳон иқтисодиётига меҳнат бозори орқали товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан ялпи таклифга, истеъмол ва инвестициялар билан боғлиқ ялпи талабга ҳамжиддий равишда таъсир кўрсатишдан бошлади. Дастлаб, Осиё давлатларида кузатилган ишлаб чиқаришдаги узилишлар, кейинчалик бутун дунёда ишлаб чиқариш-сотиш занжирларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Ишсизлик даражасининг ортиши, аҳоли даромадларининг пасайиши, давлатлар ўртасида чегараларнинг ёпилиши, карантин режими жорий қилиниши натижасида авиаташув, туризм, меҳмонхона хўжалиги соҳалари, шунингдек, мазкур соҳалар билан боғлиқ фирма ва компаниялар, умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг кескин пасайиши ҳисобига кўплаб иш ўринлари қисқартирилди ва корхоналар банкротлик ёқасига келиб қолди.

Иқтисодчи олимлар ва мутахассислар фикрига кўра, COVID-19 пандемияси сабабли юзага келган иқтисодий инқироз дунёдаги ҳар бир давлатга ва умуман жаҳон иқтисодиётига 1873-1896 йиллардаги “Узоқ инқироз”, 1929-1939 йиллардаги Буюк депрессия ва ортда қолганига ҳали кўп вақт бўлмаган 2008-2013 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан ҳам кучлироқ таъсир қилиши кутилмоқда.

Масалан, карантин ва “ўз-ўзини чегаралаш” режими ер юзи аҳолисининг қарийиб 50 фоизини, яъни 3,9 млрд.га яқин инсонларни камраб олди (2020 йил 3 апрель холатидаги баҳолашга кўра). Давлатга ижтимоий ҳимояланишнинг қаттиқ тартибини сақлаб туриш харажатлари ойига ЯИМнинг тахминан 2 фоизига тушмоқда[7].

Bloomberg мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра АҚШда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳукумат томонидан ижтимоий ҳимояланиш юзасидан жорий қилинаётган чеклов чоралари таъсирида ишсизлик даражаси кескин ортди. АҚШда карантин қоидалари жорий қилингандан сўнг дастлабки 5 hafta мобайнида 26,5 млн. киши расмий

равишда ишсиз эканлиги юзасидан рўйхатдан ўтган. Агар ушбу инсонларни ҳали ҳам ишсиз деб ҳисоблаб, уларни коронавирус инқирозигача бўлган ишсизлар сони билан қўшиб ҳисоблаганда АҚШда ишсизлик даражаси 20 фоизга етиши мумкин, деб ҳисобламоқда. Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши иш берувчилар томонидан иш ўринларини қайта тиклаш имконини бермоқда ва шунинг ҳисобига яқин ойлар ичида ишсизлар сони бирмунча камайиши кутилмоқда[8].



1-расм.Ишлаб чиқаришнинг тўлиқ ёки қисман тўхташининг иқтисодий фаолликка таъсири, ЯИМга нисбатан фоизда[7].

Глобал иқтисодий ривожланиш юзасидан Euler Hermes компанияси экспертлари томонидан тайёрланган ҳисоботга кўра 2020 йилда жаҳон иқтисодиётида рецессия ҳолати кузатилади. Иқтисодий ўсиш суръатлари кўпчилик ривожланган ва ривожланаётган давлатларда пасайди.COVID-19 коронавирус тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ўз самарасини берса, миллий иқтисодиётлар аста-секинлик билан рецессия ҳолатидан чиқиб кетиши мумкин.

Жадвал маълумотларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, охири уч йилда жаҳон бўйича ЯИМнинг ўсиш тенденцияси кузатилган бўлса ҳам,2019 йилдаги ўсиш суръатлари 2017 йилга қараганда 0,8 фоизли пунктга пасайган. Мазкур тенденция ЕИ, Лотин америка, Яқин шарқ, Осиё ва Африка қитъаларида ҳам такрорланганлигини кўришимиз мумкин.Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2019 йилда Хитой ва Ҳиндистонда ЯИМнинг ўсиш суръатлари бошқа давлатларга қараганда юқори бўлиб, ўсиш суръатлари мос равишда 6,1 ва 5,0 фоизни ташкил этган. Euler Hermes компанияси экспертлари ЯИМ 2020 йилда жаҳон бўйича ўртача 3,3 фоизга, ЕИ давлатларида 9,3 фоизга, Лотин америкаси давлатларида 4,1 фоизга, Яқин шарқдавлатларида 4,5 фоизга, Африка давлатларида 1,6 фоизга ва Осиё давлатларида 0,6 фоизга пасайишини прогноз қилишмоқда. Иқтисодий ўсиш

суръатлари пасайиши бўйича ёмон кўрсаткич Испания ва Италияга (-11%), нисбатан яхши кўрсаткич Хитой (1,8 %) ва Ҳиндистон (1,1 %)га тўғри келмоқда. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, агар жорий йил охирига қадар дунёнинг аксарият давлатларида пандемияни тўхтатишга эришилса, 2021 йилда жаҳон бўйича ўртача 5,6 фоизли иқтисодий ўсиш ҳисобига рецессия ҳолатидан чиқиб кетиши мумкин. Жанубий-Шарқий Осиё ва Евро-Осиё давлатларида юқори суръатлардаги иқтисодий ўсиш рецессия ҳолатидан чиқишда муҳим роль ўйнаши кутилмоқда.

Жадвал


**Дунё мамлакатларида ЯИМнинг ўсиш суръатлари
(%да, ўтган йилга нисбатан, 2020-2021 йиллар прогноз)[9]**

Давлатлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Жаҳонбўйича	3,3	3,1	2,5	-3,3	5,6
АҚШ	2,4	2,9	2,3	-2,7	3,3
Лотин америка	1,0	1,0	0,1	-4,1	3,7
Бразилия	1,3	1,3	1,1	-5,0	5,5
Буюк Британия	1,8	1,3	1,4	-8,2	8,7
Евроиттифоқдавлатлари	2,7	1,9	1,2	-9,3	9,3
Германия	2,8	1,5	0,6	-8,9	8,7
Франция	2,4	1,7	1,3	-8,9	9,6
Италия	1,7	0,7	0,3	-11,4	11,0
Испания	2,9	2,4	2,0	-11,0	10,0
Россия	1,6	2,3	1,3	-2,5	5,2
Туркия	7,5	2,8	0,9	-3,3	7,6
Осиёдавлатлари	5,2	4,7	4,3	-0,6	6,5
Хитой	6,9	6,7	6,1	1,8	8,5
Япония	2,2	0,3	0,7	-5,7	2,2
Ҳиндистон	7,3	6,2	5,0	1,1	7,5
ЯқинШарқ	1,2	1,1	0,6	-4,5	2,4
СаудияАрабистони	-0,7	2,4	0,2	-2,0	2,0
Африка	3,1	2,7	1,9	-1,6	3,6
Жанубий Африка Республикаси	1,4	0,8	0,3	-5,3	4,5

Дунёнинг етакчи консалтинг компаниялари томонидан COVID-19 пандемияси сабабли жорий йилнинг II чорагида иқтисодий фаоллик энг минимум даражага тушиши мумкинлиги қайд этилмоқда. Пандемия инқирози юқорида қайд этиб ўтилган хизмат кўрсатиш соҳаларидан ташқари энергия ресурсларини экспорт қилувчи давлатлар иқтисодиётига ҳам қаттиқ зарба

берди. Хусусан, 2020 йилнинг 20 апрелида WTI русумидаги бир баррель нефтнинг нархи 300 фоизга пастлаб, -40 долларга тушиши ОПЕК ташкилотига аъзо давлатларни таҳликага солиб қўйди. Шунинг баробарида 2020 йилда энергия ташувчи манбаларнинг нархи 40 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, жорий йилда металларнинг нархи ҳам тушиб, дунё бўйича иқтисодий фаолликнинг сусайиши мис ва цинк каби металлар нархининг кескин пасайишига сабаб бўлмоқда. Саноат маҳсулотларига талабнинг камайиши натижасида жорий йилда металларнинг баҳоси 13 фоизгача пасайиши кутилмоқда. Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган иқтисодий инқироз таъсирида глобал иқтисодиётда бўлаётган бундай ўзгаришлар ҳар бир давлат ҳукумати олдида инқирозга қарши аниқ ва манзилли чоралар кўриш заруриятини юзага келтирди.

Айрим мутахассислар фикрига кўра, дунёдаги йирик давлатлар томонидан COVID-19 инфекцияси келтириб чиқарган касалликка қарши курашиш ҳамда иқтисодиётни қайта тиклаш учун йирик ҳажмдаги маблағлар сарфланиши мамлакатда инфляция суръатининг ўсиши ва ишсизлар сонининг ошишига олиб келмоқда. Бу ҳолат ЯИМга ўз таъсирини кўрсатиб, ҳар ой мамлакат ЯИМнинг 2 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин[10].



2-расм. G 20 гуруҳига кирувчи давлатлар томонидан пандемия туфайли юзага келган инқирозга қарши курашиш учун ажратилган маблағлар, АҚШ долларларида[11]

Пандемия сабабли дунёнинг етакчи давлатлари инқирозга қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқиб, мазкур дастурларда кўзда тутилган чора-

тадбирларни молиялаштириш манбаларини шакллантирди. Хусусан, коронавирус инфекцияситарқалиши энг кўп кузатилган АҚШда инқирозга қарши курашиш дастурига 2,3 трлн. (ЯИМнинг 11%), Германия 189,3 млрд. (ЯИМнинг 4,9%), Хитой 168,7 млрд. (ЯИМнинг 1,2%), Канада 145,4 млрд. (ЯИМнинг 8,4%), Австралия 133,5 млрд. (ЯИМнинг 9,7%), коронавирус инфекцияси нисбатан кам тарқалган Япония 5,2 млрд., Аргентина 4,45 млрд. ва Индонезия 2,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган маблағларни ажратди. Вакт ўтиши билан G 20 гуруҳига кирувчи давлатларнинг инқирозга қарши курашиш дастурлари қандай натижа берганлигига баҳо берамиз.

Хулоса ва таклифлар

1. Коронавирус инқироzi дунё мамлакатларининг 2020 йил учун тузилган бюджет параметрларини тубдан ўзгартириб юборди. Касаллик инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасига катта миқдордаги маблағлар йўналтирилиши бюджетда кўзда тутилмаган харажатлар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ижтимоий соҳадаги қўшимча харажатлар асосан ташқи қарз маблағлари, хусусан Халқаро молиявий институтлар кредитлари ҳисобига қопланмоқда. Бу эса, кўпчилик давлатларнинг ташқи қарзлари ўсишига, мазкур қарзлар узоқ муддатли бўлганлиги сабабли, уни қайтариш келажак авлодга қўшимча “юк” бўлади.

2. Пандемия инқироzi туфайли 2020 йилда энергия ташувчи манбаларнинг нархи 40 фоизгача пасайиши прогноз қилинмоқда. Бу ҳолат энергия ресурсларини экспорт қилувчи давлатлар иқтисодиётига кескин таъсир қилади. Хусусан, бюджет дефицитининг янада ошишига, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг амалга оширилмаслигига, ишсизлар сони ортишига, миллий валюта кадрсизланишига, савдо-иқтисодий алоқалар бузилишига ва охири-оқибат ташқи қарзлар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслик натижасида айрим давлатларни дефолт ҳолатига олиб келиши мумкин.

3. Дунёнинг барча давлатлари инқирозга қарши курашиш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқиб унда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбаларини шакллантирди. Масалан, АҚШнинг инқирозга қарши чора тадбирлари ЯИМнинг 11 фоизи, яъни 2,3 трлн. доллар, Япония эса, ЯИМнинг 0,1 фоизига тенг миқдорда, яъни 5,2 млрд. доллар маблағ ажратди. Бир жиҳатдан қараганда дунё бўйича коронавирус инфекцияси энг кўп АҚШда тарқалди, шунинг учун ҳам бу қадар катта маблағ ажратилди дейиш мумкин. Бошқа жиҳатдан Хитойни олиб қарайдиган бўлсак, ЯИМнинг 1,2 фоизига, яъни 168,7 млрд. долларга тенг бўлган маблағ билан бошқа давлатларга қараганда инқироздан тезроқ чиқиш учун катта имкониятларга эга бўлиб турибди. Бундан инқирозга қарши курашишда асосий ролни ажратилган маблағлар ҳажми эмас, балки инқирозга қарши курашишда аниқ, манзилли ва самарали чоралар кўриш муҳим аҳамиятга эга бўлади деган хулосага келиш мумкин.

4. Коронавирус инқироzi бозор қонуниятларига амал қилмаслик ёки унинг бузилиши натижасида эмас, инқроз мутлақо кутилмаганда соғлиқни сақлаш соҳасига таъсир кўрсатиш ортидан, инсонларни карантин сабали уйда қолиши

учун меҳнат фаолиятини мажбуран чеклаш чораларини қўллаш натижасида юзага келди. Айрим баҳолашларга кўра жорий йилнинг май ойида карантин режими ер юзи аҳолисининг қарийиб 50 фоизини, яъни 3,9 млрд.га яқин инсонларни қамраб олди. Инқироз туфайли дунёнинг барча мамлакатларида корхоналар фаолиятининг вақтинча тўхтатилиши, фаолиятининг тугатилиши, кўплаб иш ўринларининг қисқартирилиши сабабли ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бу ҳолат мамлакатлар ҳукуматлари олдига янги иш ўринларини яратиш мақсадида бизнесни қўллаб-қувватлаш, ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатишни кун тартибидаги биринчи масалага айлантди.

5. Пандемиядан кейин жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш маркази Жанубий-Шарқий Осиё ва Евро-Осиё давлатларига кўчиб ўтиш эҳтимоли мавжуд. Бунга мазкур минтақаларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижадорлиги, давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг эркинлашиши, бозорларда рақобат муҳитининг кучайиши, иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш мақсадида инвестициялар ҳажмини оширишга йўналтирилган пул-кредит сиёсатининг олиб борилиши, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шериклигидаги лойиҳалар амалга оширилиши, миллий манфаатларга мос келувчи йирик инвестиция лойиҳаларини давлатлар ўртасида халқаро ҳамкорликда оширилиш жараёнларининг янада кучайиши сабаб бўлиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. Мизес Л. Человеческая деятельность: Трактат по экономической теории / Пер. с англ. 2-е испр. изд.-Челябинск: Социум, 2005. -878 с.; Мюррей Ротбард. История денежного обращения и банковского дела в США. Пер. с англ. - Челябинск: Социум, 2009. - 548 с.;

2. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. с англ. под ред. А.Г. Милейковского и И.М. Осадчей. М.: Прогресс, 1978. -1650 с.;

3. Шумахер Э.Ф. Маленькое - это прекрасно: изучение экономики, как будто люди имеют значение* (новые переводы). Журнал Экономическая социология. Т.13., №1. Январь 2012. www.ecsoc.hse.ru;

4. Nicola M., Alsafi Z., Sohrabi C., Kerwan A., Al-Jabir A., Iosifidis C., Agha M., Agha R. The Socio-Economic Implications of the Coronavirus and COVID-19 Pandemic: A Review. International Journal of Surgery, <https://www.sciencedirect.com>

5. Трофимов Г.Ю. Финансовый кризис и государственный долг. Монография. М.: Институт финансовых исследований. 1999. -210 с.

6. Махмудов Н. ва бошқалар. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кичик бизнесни бошқариш. Монография. Наманган: НамМИИ. 2009. -158 б.

7. Глазьев С.Ю. О прогнозах динамики мировой экономики в условиях пандемии COVID-19 и возможных стабилизационных мерах в рамках ЕАЭС. –с. 4.

8. https://www.bloomberg.com/news/articles/2020-04-23/u-s-jobless-claims-at-4-43-million-in-labor-rout-s-fifth-week?utm_source
9. www.eulerhermes.com.content/dam/onemarketing/ehndbx/eulerhermes_com/en_gl/erd/publications/pdf/2020_04_23_Covid19.pdf
10. Chakraborty I., Maity P. COVID-19 outbreak: Migration, effects on society, global environment and prevention. International Journal Science of the Total Environment 728 (2020) 138882. www.elsevier.com/locate/scitotenv
11. <https://howmuch.net/articles/worlds-economic-programs-against-coronavirus>